

Туркияда VII халқаро Қуръон мусобақасининг финал босқичи бўлиб ўтади



11:10 / 24.05.2019 2154

Бугун, 2019 йил 24 май куни Туркиянинг Истанбул шаҳридаги энг катта Жамлича жоме масжидида VII халқаро Қуръон мусобақасининг финал босқичи бўлиб ўтмоқда, деб хабар беради Туркия Диёнат ишлари бошқармаси расмий сайти.

Бошқарма томонидан ташкил этилган ушбу мусобақага 68 давлатдан таклиф этилган 128 та қори ўзаро куч синашмоқдалар. Ушбу босқичда ғолибликни қўлга киритганларга 26 май, якшанба куни мукофотлар берилади.

Диний бошқарма берган хабарга қараганда, ғолибларни тақдирлаш маросимида Туркия Президенти Ражаб Тоййиб Эрдоған ташриф буюради.

